

**ИККИ МУАММОНИНГ
БИР ЕЧИМИ:**

**ЯНГИ ТУҒИЛГАН
ЧАҚАЛОҚЛАР ВА ГҶДАКЛАР
КАМҚОНЛИГИ ДАВОСИДАГИ
ҲАМДА БИЛИРУБИНЛИ
ЭНЦЕФАЛОПАТИЯНИ
ОЛДИНИ ОЛУВЧИ ЮҚОРИ
САМАРАЛИ ПРЕПАРАТ**

Препарат инновацион «А.В.-БИОКОМ»
фармацевтик компанияси томонидан яратилган.
Маълумот учун телефон: (+99890) – 3502051

ab(Bio)om




«Кобавит» препарати янги туғилган чақалоқлар ва гўдаклар камқонлигини да-
воловчи дастлабки ва ягона дори воситасидир.

Препарат фақат табиий моддалар (кобальт микроэлементи, глутамин амино-
кислотаси ва витамин U) биомажмуасидан ташкил топганлиги боис бирон бир
салбий таъсирга эга эмас, шу жумладан янги туғилган чақалоқ ва гўдакларда
қўлланилганда ҳам.

Янги туғилган чақалоқлар ва гўдаклар камқонлигида кобавитни қўллаш она
сути таркибидаги лактоферинда сақланган темир элементи ўзлаштирилишини
ва қон ҳосил қилиш тизимлари фаоллигини орттиради. Айти шу таъсир меха-
низмлари орқали кобавит янги туғилган, шу жумладан муддатидан аввал туғил-
ган камқон чақалоқларда қузатиладиган, ҳамда гемоглобин кўрсаткичини
муттасил камайиб бориши билан давом этувчи **«суюлтирилган гемоглобин»
синдромини олдини олади** (расм).

Кобавит оқсил синтезланиш жараёнларини, шу жумладан альбумин синтези
фаоллигини оширади, иммунмодулловчи ва антиоксидант табиатларига эга.



Расм. Кобавитни янги туғилган чақалоқлар камқонлигида гемоглобин
миқдори ва эритроцитлар сонига таъсири

Изох. Назорат гуруҳидаги янги туғилган чақалоқларга даво мобайнида
ҳар куни В12 ва В6 витаминлари ҳамда албумин буюрилган. Шунга
қарамасдан бу гуруҳда қузатилаётган гемоглобин миқдорининг
даво давомида камайиб бориши «суюлтирилган гемоглобин»
синдроми келиб чиқишининг оқибатидир.

Кобавит юқори самарали гепатопротектор хоссаларини намоён қилади. Хусу-
сан, жигарнинг ўт-сафро чиқариш фаолиятини тиклайди, қон зардобидаги
билирубиннинг миқдорини жадал камайтиради. Препарат ўзининг сўнги хусу-
сиятини жигардаги глюкуранилтрансфераза ферменти юқори фаоллигини
қисқа мудатда тиклаш орқали намоён қилади. Шуни ҳисобига, кобавит янги
туғилганларда қузатиладиган ва гипербилирубинемия ҳисобига келиб чиқадиган
патологик сариқликни кўпи билан 4-5 кунда ўтишига олиб келади.

Оқибатда бош мия ва ҳаётий аҳамиятга эга бўлган марказлар учун жуда хавф-
ли бўлган, боланинг сенсор (кўриш, эшитиш қобилиятлари) ва ақлий ривожига
салбий таъсир этувчи, пировард натижада серебрял параличига олиб келиш
эҳтимолияти юқори бўлган **билирубинли (ядровий) энцефалопатия келиб
чиқишининг олди олинади**.

Чақалоқлар камқонлиги ва патологик сариқлик давоси мақсадида қўлланган
«Кобавит» препаратининг 0,005 г таблеткалари оз миқдордаги қайнатилган
илиқ сувда эритилади ва она сути билан биргаликда берилади:

Камқонликда: 10-20 кун мобайнида кунига бир таблеткадан 2 маҳал.

Патологик сариқликда: 4-5 кун давомида кунига бир таблеткадан 2 маҳал.

Зарур бўлган ҳолларда даво курслари узайтирилиши мумкин.

«Кобавит» препарати ҳақидаги тўлиқ маълумот билан компаниянинг
www.biokom.uz деб номланган сайти орқали танишишингиз мумкин.

Сайтнинг «Publikatsiy» ва «Multimedia» бўлимларида препаратнинг қатор
терапевтик хоссалари, шу жумладан янги туғилганлар ва гўдаклар камқон-
лигидаги клиник самарадорлигига бағишланган илмий-амалий манбалар
(мақолалар, ЎзР ССВнинг ахборот хатлари, йўриқномалар ва х.к.), препарат
хақида қисқа ва батафсил видеошарҳлар келтирилган.